


Анасдан розияллоху анху



06:10 / 31.08.2018 2610

Анасдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қанчадир арпа эвазига совутларини гаровга қўйганлар. Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига арпа нон ва сал ҳидланган эритилган ёғ олиб келганман. У зотнинг **«Муҳаммаднинг – соллаллоху алайҳи васаллам – оиласида эрталаб ҳам, кечки пайт ҳам бир соъдан ортиқ нарса бўлмайди»**, деяётганларини эшитганман. Ҳолбуки, улар тўққизта хонадон эдилар».

Имом Бухорий ривоятлари.